

Дори компанияси ҳақида

09:25 / 09.03.2018 3577

Савол:

Ассалому алайкум! Мен Нобел фарм дори воситалари ишлаб чиқарувчи компанияда тиббий вакил бўлиб ишлайман. Бизнинг вазифамиз врачларга дори воситалари ҳақида маълумот бериш ва афзалликлари ҳақида батафсил маълумот берамиз. Шунингдек бизни дори воситаларидан фойдаланганликлари учун тиббиёт муассасаларига хомийлик қиламиз ёки врачлар учун турли конференциялар, презентациялар, промацион материаллар (сочиқ, блокнот, ручка, салфетка, дазмол, тиббиёт буюмлари ва шунга ўхшаш нарсалар берамиз) ва Ўзбекистон бўйлаб саёҳатлар ташкил этамиз. Шу қилаётган ишимиз нотўғри эмасми? Чунки кўплаб врачларга шу нарсаларни қилмасак бўлмаяпти. Жавоб учун олдиндан катта раҳмат!

Жавоб:

["Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати](#)

Ва алайкум ассалом!

Агар шифокорлар сизларни берадиган имтиёз ёки совғаларингизни олиш мақсадида беморларга керак бўлмаган дориларни ёзиб беришса ёки ундан бошқа арзон ва самарали аналоглари бўла туриб, сизникини ёзиб берса, бу ҳалол бўлмайди. Агар бошқаларга нисбатан сизларда ҳам фойдали, ҳам арзон бўлгани учун беморларга дориларингизни тавсия қилса, жоиз. Валлоҳу аълам!